

ПАЗАРИТОЛОГИЯ ФАНИ ТАРИХИДАН

Сайфудинова Дж.Б.

*Ижтимоий гуманитар фанлар, жисмоний маданият ва спорт
кафедрасининг катта ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: паразитология, йилкичилик, чорвачилик, паразитик касалликлар, ветеринар, гельминтология, тирик қўзғатувчи, митти, кана, Авиценна, ўлат, нематод, текинхўр, инвазион касаллик.

Ключевые слова: паразитология, животноводство, животноводство, паразитарные болезни, ветеринария, гельминтология, живой возбудитель, карликовый клещ, Авиценна, чума, нематода, вольноед, инвазионное заболевание.

Key words: parasitology, animal husbandry, animal husbandry, parasitic diseases, veterinary, helminthology, live pathogen, dwarf, tick, Avicenna, plague, nematode, free-eater, invasive disease.

Резюме:

Юқумли касалликлар тирик қўзғатувчилар томонидан қўзғатилишини ва уларни беморлардан соғларга сув ва ҳаво орқали ўтагани таъкидлаб, унинг олдини олиш учун эса ичимлик сувларни қайнатиб ёки суздириб фойдаланишни тавсия этади. Олимлар аниқлашишича маълум бир касалликни аниқлаш ва даволашда ҳайвонлар устида жуда ҳам кўп тажрибалар олиб борган эди. XIX асрда зоология соҳасидаги муваффақиятлар паразитологиянинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Паразитологияда тажрибавий усулларнинг қўллай бошланиши Америка ва Европа давлатларида турли паразитлар ҳақида классик ишларнинг пайдо бўлиши билан мос келади. Буларнинг ҳаммаси оптика техникасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Резюме:

Подчеркивая, что инфекционные заболевания вызываются живыми возбудителями и передаются от больных здоровым людям через воду и воздух, для предотвращения этого он рекомендует кипятить или фильтровать питьевую воду. Ученый провел множество экспериментов на животных для диагностики и лечения некоторых заболеваний. Успехи в области зоологии в 19 в. оказали значительное влияние на развитие паразитологии. Начало экспериментальных методов в паразитологии руководства совпадает с появлением классических работ о различных паразитах в американских и европейских странах. Все это способствует совершенствованию оптической техники.

Summary:

Emphasizing that infectious diseases are caused by living pathogens and they are transmitted from patients to healthy people through water and air, he recommends boiling or filtering drinking water to prevent it. Scientists have conducted many experiments on animals to diagnose and treat certain diseases. Successes in the field of zoology in the 19th century effectively influenced the development of parasitology. The manual beginning of experimental methods in parasitology



coincides with the appearance of classic works on various parasites in the American and European countries. All this contributes to the improvement of optical technology.

Кириш. Мамлакатимизда паразит организмлар ҳақидаги таълимот миллоддан аввалги йиллардан маълум бўлсада, XVIII-XIX асрларгача жуда кам ва аста-секинлик билан ўрганилиб ривожланган эди. Ўрта Осиё халқ ветеринарияси инвазион касалликларга қарши курашда кўп йиллик кузатишлар ҳамда тажрибалар натижасида баъзи бир касалликларни даволаш ҳамда ўз ишининг моҳир усталарини танлаб олишда катта ютуқларга эришди. Лекин шунга қарамасдан одамлар кўп йиллар давомида йилқичилик ва чорвачиликка катта зарар етказган паразитик касалликларга қарши курашда ожиз эдилар.

Тарихий маълумотларга кўра, ветеринарлар аҳолининг энг нуфузли табақасига мансуб кишилар бўлиб, улар одам ҳамда ҳайвонларни даволашда бир хил дориворлардан фойдаланишган. Ўрта аср Шарқининг мутаффакири Абу Али Ибн Сино (Авиценна) (980-1037), буюк олим, табиб, математик, файласуф, шоир, шунингдек гельминтология масалалари билан шуғулланган. Ибн Сино қичима (қўтир) касаллигини терида яшовчи митти, кўзга аранг кўринадиган каналар чиқаради деб ҳисоблайди. Олим гельминтларни 4 гуруҳга: узун, ясси, митти ва юмалоқларга бўлган; лейшманноз ва дракункулёзни ҳамда бир қанча текинхўрларга қарши воситаларни (дори-дармонларни) тавсифлаб берган. У касалликни олдини олишга катта эътибор бериб, даволашдан афзалроқ деб ҳисоблаган.

Ибн Сино юкумли касалликлар тирик қўзғатувчилар томонидан қўзғатилишини ва уларни беморлардан соғларга сув ва ҳаво орқали ўтажанини таъкидлаб, унинг олдини олиш учун эса ичимлик сувларни қайнатиб ёки суздириб фойдаланишни тавсия этади. Олим маълум бир касалликни аниқлаш ва даволашда ҳайвонлар устида жуда ҳам кўп тажрибалар олиб борган эди. Унинг “Тиб қонунлари” китобида кўпгина халқларнинг медицина соҳасидаги ютуқлари умумлаштирилган бўлиб, бу китоб ветеринария фанининг ривожланишига ҳам ғоят катта таъсир кўрсатади. Унинг “Тиб қонунлари” 5 китобдан иборат бўлиб, 2-китобида ўсимлик, ҳайвон ва маъданлардан олиннадиган 800дан ортиқ дори-дармонлар таърифи, уларнинг даволик хусусиятлари ва қўлланиш усулларини баён қилишда даставвал ҳайвонлар устида тажриба ўтказган. “Тиб қонунлари” нинг медицина ва ветеринариядаги алоҳида хизмати шундан иборатки, унда медицина ва ветеринариянинг ютуқлари Арасту, Букрот, Галенлар билан бир қаторда Ҳиндистон, Хитой ва Шарқ халқларининг бой тажрибаси муаллифнинг оригинал кузатишлари ва юксак амалий маҳорати тажрибаси ўзаро узвий боғланган ҳолда тугал бир амалий таълимотни ташкил қилади.

Адабиётлар тахлили ва методология. Ибн Сино Арастунинг “Ҳайвонлар қисмлари” асарида хилтлар тўғрисидаги назарияни ривожлантириб, ҳайвон ва одам организмидаги хилтлар истеъмол қилинадиган озиқадан пайдо бўлишини ва уларнинг гавдадан “тарақаладиган нарсанинг ўрнига бадал” (энергетик ва пластик материал) бўлишини ва баъзисининг гавдадан чиқартириб ташлашини айтади. Унинг “Касалликларнинг баъзилари юкумли бўлади” деб кўрсатиши, инфекция қасалликлар ҳақида аниқ тасаввурга эга эканини кўрсатади. Юкумли касалликларнинг тарқалишига асосий сабаб бўлувчи эпидемиологик омиллар тўғрисида фикр билдириб, кўзга кўринмас митти ҳайвонларнинг 250 дан ортиқ турини кашф этди. Ибн Сино юкумли ва паразитар касалликларни тавсифлашда катта хизмат кўрсатди. Масалан, вабо ва ўлат ўртасидаги фарқни кўрсатиб, ўлат касаллигининг тарқалиши сув ва ер орқали мумкинлиги тўғрисида фикр билдирди.

Ришта-тери остидаги ҳаракат қилувчи паразит кўрт бўлиб, унинг тарқатувчиси ифлосланган сув таркибидаги куртсимон паразитлардир. Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарининг биринчи китобида “Остки жағ мушакларининг анатомияси” ҳақидаги бобда, ҳайвонларнинг остки жағи одам остки жағига қараганда каттароқ ва оғирроқ бўлиши ва ҳайвонларда бу икки мушак ёрдами билан бўладиган кемириш, кесиш (узиш), тишлаш ҳаракатлари қаттиқроқ бўлиши тўғрисида ёзиб, одам ва ҳайвон анатомиясидаги ўхшашликлар тўғрисида фикр билдиради. Ибн Сино даврида тиббий фанлар ва медицина, шунингдек ветеринария ҳам фалсафадан ажралиб чиқмаган эди. Бир вақтнинг ўзида ўсимликлар, ҳайвонлар ва химиявий ҳодисалар тўғрисидаги билимлар медицинанинг бир қисми ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам беш асрдан кўп вақт давомида “Тиб қонунлари” шифокорлар ва ветеринария ходимларининг кундалик қўлланмасига айланди.

Натижа ва муҳокама. XIX асрда зоология соҳасидаги муваффақиятлар паразитологиянинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Паразитологияда тажрибавий усулларнинг қўллай бошланиши Америка ва Европа давлатларида турли паразитлар ҳақида классик ишларнинг пайдо бўлиши билан мос келади. Буларнинг ҳаммаси оптика техникасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Паразитология фани XX асргача мустақил фан сифатида мавжуд бўлмаган. Фақатгина паразитларнинг морфологияси ва биологияси тўғрисида асосан зоология соҳасидаги олимларнинг айрим ишлари мавжуд бўлган холос. Биринчи маротаба текинхўрларнинг биологияси бўйича тадқиқот ишларини Россия фанлар академиясининг аъзоси П.С. Паллас 1793 йилда бажарган. У текинхўрларни тухумдан ўсиб вояга етишини аниқлаб, параз-



итар чувалчанглар билан ўз-ўзидан касалланиш мумкин деган назарияга зарба берди.

XIX аср зоология фанида эришилган катта ютуқлар паразитология фанининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Текинхўрларнинг ривожланишини ўрганишда тажрибавий усуллардан фойдаланишнинг бошланиши билан бир вақтда Россия ва Европа мамлакатларида бу соҳада илмий ишлар пайдо бўла бошлади. Бундай кашфиётларнинг кашф этилишида замонавий оптик техникаларнинг яратилиши катта имкон берди. Шундан сўнг, 1849 йилда биринчи мартаба одамларда текинхўрлик қиладиган амёба ўрганилди. XIX асрнинг иккинчи ярмида безгак, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг қон паразитар, кокцидиоз ва бошқа қатор касалликларининг кўзгатувчилари топилди.

Профессор Э.А. Островский (1816-1859йй.) Харьков ветеринария институтида гўштхўр ҳайвонларнинг тасмасимон чувалчангларига оид бир қанча илмий ишларни бажарди. Л.Ф. Баровский тери лейшманиози касаллигининг кўзгатувчисини аниқлади. Бу даврда Э.К. Бранднинг паразитология фани бўйича бир неча қўлланмалари пайдо бўлди. Буюк назариётчи И.И. Мечников безгак касаллиги муаммоларини очишга ҳаракат қилди. Паррандаларда учрайдиган безгак касаллигини ўрганишда В.Я. Данилевскийнинг буюк хизматлари бор. Паразитология фанининг ривожланишида И.М. Мельниковнинг ҳам катта ҳиссаси бор. У дипилидиоз касаллиги кўзгатувчисининг ривожланишида ит ва уй ҳайвонларининг баргаси ҳамда жунхўрларининг иштирок этишини исботлаган.

А.П.Федченко биринчи бўлиб, одамлар орасида кенг тарқалган ва оғир кечадиган ришта кассалиги кўзгатувчисининг ривожланишини ўрганиб, унда оралиқ хўжайин сифатида циклопларнинг ролини аниқлади.

1891 йилда Д.Л. Рамановский бир хужайрали содда ҳайвонларни бўяш усулларини ишлаб чиқди ва у ҳозиргача кенг қўлланилмоқда. Харьков ветеринария институтининг ўқитувчиси С.Н. Каменский нафас олиш органларида текинхўрлик қиладиган нематодларни ўрганди. Паразитология фани ривожланишида илмий янгиликлар қилган бир қатор олимлар етишиб чиқдилар, Д.Ф. Лямбль (1824-1895), О.А.Леш (1840-1903), Н.А. Холодовский, К.И. Виноградов, А. Тейлер, А. Лаверан, Е.П.Жунковский ва Н.М. Лус ва Е.Н. Марциновскийлар каби етишиб чиққан бир қатор олимлар паразитология фанининг ривожланишида улкан хизмат кўрсатганлар.

В.И. Якимов Туркистонда ва Кавказорти воҳасида ҳайвонларнинг протозооз касалликлари ва улар билан кураш чоралари тўғрисида қатор илмий ишлар яратди. К.И.Скрябин 1910 йилда ветеринария врачлари қурултойида олий малакали ветеринария мутахассислари тайёрланаётган билим дар-

гоҳларида паразитология кафедраларини ташкил этиш кераклиги тўғрисида масалани кўтариб чиқди.

1917 йилда Новочеркас ветеринария институти қошида Россияда биринчи бўлиб, паразитология кафедраси ташкил этилди ва 2 май 1917 йили бу кафедранинг профессори лавозимига К.И. Скрябин сайланди. Бу воқеа олий ветеринария таълими тарихида муҳим аҳамият касб этди. 1920 йилда К.И.Скрябин Москва зооветеринария институтида паразитология ва ҳайвонларнинг инвазион касалликлари кафедрасини ташкил этди. Бундай кафедра олий ветеринария таълими тарихида чет элларда ҳам ҳали ташкил бўлмаган эди.

К.И. Скрябин ташкил этган кўпгина экспедициялар мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида мамлакатимиз гельминтофаунасини аниқлашда имкон берди. Тадқиқотчи олимлар кўплаб янги гельминт турларини аниқладилар ва уларнинг ривожланиш цикллари ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқара бошладилар. К.И. Скрябин 1905 йилнинг август ойида ветеринария врач сифатида Туркистон ўлкасига келиб, одамлар ҳамда уй ҳайвонлари орасида ёппасига тарқалган касалликларни кузатади. 300дан ортиқ экспедицияларда тўла гельминтологик аниқлаш усуллари орқали ҳайвонот дунёсининг 500 мингдан ортиқ вакиллари кўриқдан ўтказилади. Академик К.И. Скрябиндаги мислсиз педагогик истеъдод унга шон-шухрат келтирди. Унинг 200дан ортиқ фан докторлари қаторида беш нафари ўзбек халқининг таниқли фарзандларидандир. Булар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзолари А.Т. Тўлаганов, М.А. Султонов, Э.Х. Иргашев, профессорлар Н.М. Матчонов ҳамда Ш.А. Азимовлардир.

Туркистонда паразитар касалликларни ўрганган олимлар қаторига қуйидагилар киради; А.П. Федченко-1869-1870 йилларда кўп сонли паразитлар коллекциясини тўплаб, ришта микрофиляриясини тасдиқлади. П.Ф. Боровский 1898 йилда-лейшманиознинг қўзғатувчисини кашф этди. В.Л. Якимов 1913 йилда висцерал лейшманиоз мавжудлигини ва кўпгина паразитларнинг турларини аниқлади. И.М. Ковалевский 1907-1911 йилларда, А.Дмитриев 1910 йилда, В.И. Стольников 1910 йилда қорамоллардаги тейлериоз ва пироплазмозларни тавсифладилар.

Ўзбекистонда паразитология фани ва амалиётининг вужудга келиши ҳамда ривожланишида, шу фаннинг асосчилари бўлган профессор Н.В. Баданин, академик В.С. Ершов, З.И.Глаузо, А.В. Богородицкий, Г.А. Оболдуевларнинг хизматлари муҳимдир. Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ҳозирги Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Паразитология кафедрасини 1965 йилдан умрининг охиригача бошқарган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Э.Х.Иргашев Ўзбекистонда паразитология фанининг ривожланишида улкан ҳисса қўшган, халқаро миқёсда ҳам тан олинган олимдир.

Э.Х.Иргашев, А.Г. Мустакимов, Г. Пўлатовлар қорамол ва қўйларнинг мониезиоз ҳамда авителлинозида фенасал препаратининг самарадорлигини тадқиқ этдилар. Э.Х. Иргашев ва А.Ориповлар томонидан ишлаб чиқилган гельминтозларга қарши қўйларни фенотиазин ва мис купоросли ош тузи аралашмаси билан профилактик қўшимча озиқлантириш, гельминтология соҳасида амалга оширилган катта ютуқдир. Ценуроз ва эхинококкозга (Э.Х. Иргашев, Н. Матчонов, М. Аминжонов) қарши курашнинг комплекс чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ҳам паразитология фани ва амалиётида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда паразитология фани ривожига улкан ҳисса қўшган олимлар З.М. Бернадская, А.П. Мусерская, А.М. Нецецкий, П.А. Лаврентьев, К.А. Орифжонов, И.Х. Расулов, Э.К. Шмунк, Т.Х. Рахимов, М.Т. Турсунов, Ф.С. Саримсоқов, Хайтов Р.Х., Н.Х. Шевченко, М.Мардиевларнинг ишлари бугунги кунда шаклланган етук олимлар ҳамда илмий жамоалар томонидан ишончли давом эттирилмоқда.

Хулоса. Ҳозирги вақтда республикаимизда ва бошқа давлатларда паразитолог олимлар мазкур фаннинг назарий ва амалий томонларини ҳар томонлама мукамал ўрганмоқдалар. Ветеринария паразитологияси олдида турган асосий вазифалардан бири, ҳозирги замон фани ютуқларига асосланиб, ҳайвонларнинг инвазион касалликлари билан касалланиш даражасини пасайтириш муаммоси ва келгусида эса булардан қутулиш чора-тадбирларини нафақат мамлакат балки халқаро миқёсида ҳамкорликлар асосида ишлаб чиқишдан иборатдир.

Адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино Тиб қонунлари. 1-китоб, Тошкент “Фан” нашриёти, 1983 й.
2. Абу Али ибн Сино “Ҳикматлар”, Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1980 й.
3. Абдолниёзов Б. Хоразм чорвачилиги-қадим замонлардан ҳозиргача. Урганч, 1992 й.
4. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Қўлзэмалар бўлими. ЎЗРФАҢ Шарқ қўлзэмалари тўплами, X1-том, “Ветеринария”.
5. Абу Райҳон Беруний. “Китоб ас-Сайдана фит-тибб”, Танланган асарлар, 1У-китоб, Тошкент, “Фан” нашриёти.1974 й.
6. Аристотель. История животных. К.VIII, Гл.XXII, varana. De re ructti caserupto resreirusti colmaunhemu, 178.
7. Никитин И.Н., Калугин В.И. История ветеринарии. Москва, Издательство “Агропромиздат”.
8. Москвин А. С. К 100-летию учреждения первой в России кафедры паразитологии. Теория и практика борьбы с паразитарными болезнями: Материалы докладов международной научной конференции (г. Москва, 16-17 мая 2017). Вып. 18 .
9. Иргашев И.Х., Сайфудинова Ж.Б. ва б. Умумий паразитология.Самарқанд, 1999 й.